

Муносабат

АЖРАЛМАС БЕШ УСТУН

Бугун юртимизда таълим-тарбияга, маънавият ва маърифатга бўлаётган юксак эътибор туфайли дунёқарашимиз, тафаккуримиз янги ғоя ва улғу мақсадлар билан мустақамланмоқда. Ҳозирда янги Ўзбекистоннинг таълим тизимида, хусусан, олий таълимда амалга оширилаётган ислохотлар барча илмсевар ёшларда ўқиб-ўрганишдан манфаат, ҳурмат топиш ва зафар кучиш имкониятлари янада кенгайтиришга катъий ишонч уйғотмоқда.

Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистонимиз аллоомалар юрти, бу юрт дунёда илм-маърифатни, устозни эъзозлаб равнақ топган юрт эканлигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, ўқитувчилик касбига мушарраф бўлган инсон илму заковатини сабр, шукроналик ва ҳалоллик фазилатлари билан уйғун қилгандагина чин устозлик мақомига етиши мумкин. Бу ҳикмат ҳосиласини бугунги кунда педагог-ўқитувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган шароит ва илм-маърифат учун очилаётган кенг имкониятлар самаралари билан янада яққол кўриш мумкин.

Хусусан, олий таълим соҳасидаги ислохотлар борасида сўз очилганда, сўнги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 125 тага етгани, булар орасида 19 та халқаро олий таълим муассасалари мавжуд экани, жаҳон ва Европа таълим стандартларига мувофиқ келувчи Phd ва DSc илмий даражалари жорий этилгани, олий маалакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш йўлига қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз раҳбарининг Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади, деган сўзлари педагог-ўқитувчилар зиммасига улкан масъулият қўлади, десак муболаға бўлмайдими. Эндилдиқда мактаб фақатгина таълим берадиган маскан эмас, балки барчамиз учун юксак маънавият бешиги, фарзандларимизни бағилиданоқ касбга ўргатувчи

даргоҳга айланиши зарурлигини барчамиз англашимиз керак. Шунингдек, Президентимиз томонидан мактабга таълим, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларда фаолият юритувчи боғча тарбиячиси, муаллим, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимиз янги Ўйғониш даврининг тўрт таянч устунли бўлишлари кераклиги алоҳида эътироф этилди. Ота-оналар эса янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устунли бўлишлари-ни айтиб, юрtdошларимизга чексиз ишонч билдирилди.

Хусусан, Янги Ўзбекистонни – обод ва фаровон, демократик мамлакатни барпо этишда муҳтарам педагогларни, профессор-ўқитувчиларни энг катта куч, таянч ва суянч, деб биламан дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, ўзбек педагогикаси чуқур илдишларга эга, аммо уни ҳозирги замон технологияларига таянган ҳолда кучайтиришимиз керак. Институтимиз жамоаси ҳам Президентимизнинг маърузаларидан ҳулоса чиқарган ҳолда маънавий-маърифий илдишларимизни мукамал ўрганиб, замон талабларига жавоб берадиган янги ўқитувчи-педагоглар авлодини етиштиришни мақсад қилган ҳолда ишламоқда. Зеро, биз таълим бераётган талабалар Янги Ўзбекистон келажagini қўрайдиган набираларимизга устозлик қилишларини унутмаслигимиз шарт.

Ғофуржон МУҲАМЕДОВ,
Чирчиқ давлат педагогика институти ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби



Маълумотларга кўра, ҳозир вилоятда жами 576 та экспортёр корхона самарали фаолият олиб бормоқда. Худудда шу кунга қадар дунёнинг 66 та етакчи давлати билан экспорт алоқалари йўлга қўйилган. Медиа-тур иштирокчилари дастлаб Ўрта Чирчиқ туманидаги "Farovon hayot kaiti" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишишди. Мазкур агрокластер вилоятдаги истиқболли корхоналардан бири бўлиб, интенсив боғлар яратиш ва замонавий

интенсив усулдаги боғлар, 4 гектариди замонавий иссиқхона барпо этилган. Шунингдек, корхонага қўшимча равишда маҳсулот сақлаш мақсадида 2 минг тонна сифимдаги музлаткич омбори ҳам қуриб, фойдаланишга топширилган. – Ҳозир агрокластерда иш қизгин паллага кирган, – дейди МЧЖ раҳбари Улуғбек Шодибоев. – Боғларимизда 2016 йилдан буён "Жерамин" навли олма кўчатлари парваришланади. Жорий йилда 250 тонна ҳосил олдик. Умуман олганда,

келинган бўлиб, йилига қарий 20 млрд. сўмга тенг бўлган 864 минг тонна маҳсулот қайта ишланади. Корхонадаги балан д қилиб ясалган шийпонлардаги игли иш-комларга қатор-қатор терилга узумларнинг қуритиш жараёнини кузатдик. – Бу ерда 56

расида лойиҳалар тайёрланмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар орқали яна 30-40 та янги иш ўрни яратилади. Куннинг иккинчи ярмида медиа-тур иштирокчилари Юқори Чирчиқ туманидаги "Sunny land products" корхонасида бўлишди. Бу ерда санонат усулида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари субимация усулида қуритилиб, қадоқланади. Яъни, мевасабзавотлар вакуумда, паст ҳароратда қуритилади. Натижада, маҳсулотнинг мазаси ва фойдали элементлари ўзида сақланиб қолади. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 19 млрд. сўмга тенг бўлиб, йиллик қуввати 60 тонна маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланган.



КЕЧАГИ ЛОЙИҲАЛАР – БУГУНГИ МЎЪЖИЗАЛАР

иссиқхонада мевасабзавот етиштириш, сақлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланади. Лойиҳа қиймати 63 миллиард 600 миллион сўмга тенг бўлиб, иссиқхона учун зарур бўлган асбоб-ускуналар Чехия давлатидан келтирилган. Айни пайтда бу ерда 300 га яқин худуд аҳолиси иш билан таъминланган.

Журналистларга тақдим этилган маълумотларга кўра, корхонада жами 120 гектар ер майдони бўлиб, 114 гектариди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

2019-2020 йилларда 142 минг долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Россияга экспорт қилдик.

Навбатдаги миншл узумнинг турли навларини қайта ишлашга ихтисослашган "Lead agriculture development" масъулияти чекланган жамияти бўлиб, 2017 йилдан буён Хитой билан ҳамкорликда фаолият юритади.

Лойиҳа қиймати 11 млрд. 200 млн. сўмни ташкил этувчи корхона учун зарур бўлган барча асбоб-ускуналар Хитойдан олиб

нафар ишчи узумни тозалаш, қуритиш, майиз ҳолига келтириш билан шуғулланади. – дейди қўшма корхона раҳбари Алидон Юсупов. – Корхонамизда ишчи-жимнатчилар учун барча шароитлар яратилган.

Режалар катта. Аввало, экспорт ҳажми ва турини кўпайтириш мўлжалланапти. Хусусан, 20 гектар ерга экспортбоп гилос кўчатлари экиш ҳамда 4 гектар иссиқхонада помидор, бодринг, қулпнай етиштириб, экспорт қилиш бо-

РАҚАМЛАР ОРТИДА – МАТОНАТ, МЕҲНАТ...



Бундан ташқари, Россия, Туркия ва Украина давлатларига 55 минг 819 тонна рух метали етказиб берилди.

Комбинат томонидан кимё санатаида кенг фойдаланиладиган сульфат кислотаси экспорт режаси ҳам 121,6 фоизга бажарилди. Хусусан, ўтган давр мобайнида қозғистонлик ҳамкорларимизга 34 минг 52 тонна сульфат кислотаси экспорт қилинди. Шунингдек, қўшни давлатга 79 минг 375 тонна кўрғошнинг концентрати жўнатилиб, режа 136,4 фоизга урдаланди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг фойдаланиладиган мис купуриси экспорти борасида ҳам қувонарли натижалар қайд этилган. Комбинатнинг асосий харидорлари Польша, Украина, Беларусь, Тожикистон, Қирғизистон, Қозғистон, Индонезия давлатларига 5 минг 539 тонна мис купуриси юборилиб, режа 131,9 фоизга адо этилди.

Қаттиқ қотишмалар материаллар тайёрлашда асқатуви молибден метали экспорти бўйича режа 106,4 фоизга бажарилди. Ушбу металнинг асосий харидори Нидерландия давлати бўлиб, ўтган ҳисобот даврида голландларга 490 тонна молибден етказиб берилди.

Маълумки, ҳозирда комбинат мутахассислари томонидан ноёб ва

нодир металлларни олиш бўйича самарали изланишлар олиб борилиб, қувонарли ютуқларга эришилмоқда. Олинаётган ноёб металллар экспортига йўналтирилиб, хорижда эътироф этилаёпти. Жумладан, 2020 йил январь-сентябрь ҳолатига қимматбаҳо металллар сирасига кирувчи рений экспорт режаси 361,6 фоизга, шунингдек, теллур экспорти 176,7 фоизга, селен экспорти 320 фоизга бажарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қурилиш соҳасида асосий материал ҳисобланган цемент ва портландцемент экспорти бўйича натижалар ҳам қувонарли. Жумладан, ўтган даврда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон давлатларига 6 минг 64 тонна порландцемент экспорт қилинди. 116 минг 516 тонна цемент маҳсулоти эса қўшни Афғонистонга жўнатилди.

ОКМК Ахборот хизмати

Вилоят бўйлаб

ҚИБРАЙ туманида Голландия технологияси асосида туркиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда қурилган замонавий иссиқхона фаолият бошлади.

Умумий майдони 5 гектарни ташкил этадиган иссиқхонада кокос пўстлоғи чириндисида помидор кўчатлари экилади. Баландлиги 5 метргача етадиган кўчатдан 6-7 килограммгача ҳосил олиш мумкин.


6 млн. АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилган иссиқхона ишга туширилиши билан 60 та иш ўрни яратилди.

ЗАНГИОТА тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан 54 нафар боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд хотин-қизга олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар берилган эди. Танлов натижаларига кўра, 7 нафар хотин-қиз талабалikka қабул қилинди. Шу муносабат билан туман ҳокими уларга ноутбук совға қилди.



БЎКА тумани электр таъминоти корхонаси томонидан маҳаллаларда янги бетон-темир устунлар ўрнатилаёпти.

Шу кунга қадар 47 донна трансформатор жамламаси ҳамда 218 км. ҳаво тармоғида мукамал таъмирлаш, 94 донна трансформатор жамламаси ва 387 км. ҳаво тармоғида жорий таъмирлаш тўлиқ якунланди. Жумладан, Бодак қишлоғи маҳаллий бюджет ҳисобидан 560 млн. сўмга келтирилган 374 та темир-бетон устунларнинг 62 таси ўрнатилди.



АНГРЕН шаҳрининг "Кимёгар" маҳалласида "Шохдиёр" мажмуаси фойдаланишга топширилди. "Novo grand" МЧЖ томонидан қайта реконструкция қилиниб, янги лойиҳа асосида кенгайтирилган мазкур объектда умумий овқатланиш шахобчаси, ресторан ҳамда меҳмонхона хизматлари йўлга қўйилди. Мажмуада 70 та янги иш ўрни яратилди.

Ўшлар хизматининг эътирофи

Мамлакатимизда пандемия шароитида ўзининг фидокорона меҳнати билан халқимизнинг оғирини енгил қилишга муносиб ҳисса кўшган бир гуруҳ кўнгилли ёшлар "Меҳр-саховат" кўкрак нишонин билан тақдирланди.

Синовли кунларда ўзининг жонкуярлиги, меҳнат-севарлиги билан одамларга чин дилдан фойдам тегсин, дея карантин кучайтирилган бўлишига қарамай, саломатлигини хавфга қўйиб бўлсада, волонтерлик фаолиятини Call марказлари, ҳомийлик ва хайрияларни мувофиқлаштириш бўлимларида олиб борган Тошкент вилоятининг 16 нафар йигит-қизларига ҳам Президентимизнинг фармони билан таъсис этилган

"Меҳр-саховат" кўкрак нишонини тақдим этилди. Ўзбекистон Республикаси Ўшлар ишлари агентлиги ҳамда Ўшлар иттифоқи тизимида фаолият олиб бораётган ходимлар ҳамда вилоятнинг кўнгилли ёшларидан ташкил топган волонтерларни бундай эътирофга сазовор бўлгани билан қўлайимиз.



ЖИРМОНГА БАРАКА

Хабарингиз бор, иқтисодий манфаатдорлик бу йилги мавсумнинг асосий тамойилига айланган. Терим пуллари пешма-пеш, дала бошида тарқатилаяпти. Бундан ташқари, илғор механизатор ва теримчилар қимматбаҳо совгалар билан тақдирланмоқда. Шу сабабдан доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли ўз ихтиёри билан далага чиқиб, пахта термоқда.




Хусусан, **Қуйи Чирчиқ туманида**ги "ТСТ Agro Cluster" МЧЖ томонидан жорий йилда 10 минг гектар ерда пахта етиштирилди. Кластер жамоаси гектаридан ўртача 34 центнердан ҳосил олиб, 34 минг тонналик пахта хирмони уюшни режалаштирган.

Юқори Чирчиқ туманида ҳам мавсумни муваффақиятли якунлаб, кўзлаган марраларига эришаётган фермерлар тобора кўпаймоқда. Жумладан, "Тўкин Замин барака", "Хилолидин", "Жалолидин Шухрат", "Рамазон агро-фаёз", "Балжан тадбиркор", "Абдумажит

Бугун асосий эътибор мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган. Кластерда 180 та терим отряди тузилиб, кунига 12 мингга яқин теримчилар пахта йигим-теримига жалб этилмоқда. Уларнинг аксарияти, аниқроғи, 6,5 минг нафарини кластер ишчилари ташкил этади.

Ҳосилнинг 55 фоизини 25 та юқори унумли "Кейс" комбайнида териб олиш режалаштирилган эди. Амалда эса ушбу кўрсаткич 65 фоизга етказилиши кутилмоқда.



ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ



Кексалар ҳафталиги

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги “Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, ҳар йили октябрь ойининг илк етти кунини “Кексалар ҳафталиги”ни ўтказиш белгиланган эди.

Ҳафталик доирасида Тошкент вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси ҳузуридаги чақирувчиларни ҳарбий-техника мутахассислиги бўйича тайёрлаш марказида кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш мақсадида тадбир ўтказилди. Мудофаа вазирлиги, “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви ва фахрийлар кенгаши, вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда истеъфодаги ҳарбий офицерлар ва талаба-ёшлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни синдириш ҳамда йигит-қизларимизни юксак маънавиятли ва Ватанга садоқатли қилиб ўстиришда кекса авлод вакилларининг фаоллигини ошириш зарурати ҳақида тўхталдилар. Тадбир сўнггида фахрийларга қимматбахо совғалар топширилди. Тадбирда “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви раисининг ўринбосари Шухрат Усмонов иштирок этди.

Даврон АҲМАД олган сурат

КАДАСТРГА ИШИНГИЗ ТУШСА...

Энди хавотир олманг

Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан “Камера фокусида кадастр соҳаси: таништи-рамиз, саволларга жавоб берамиз” мавзуда медиа-тур ўтказилди.



Мазкур пресс-тур кадастр соҳасидаги янгиликлар, амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан ахборот, хизматларнинг янги технологик ечимлари бўйича атроф-лича маълумотлар бериш, фуқароларнинг муносабатлари, муаммоларига очиқ, конструктив ечим топишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Медиа-тур иштирокчилари дастлаб Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида бўлиб, давлат марказларидан келиб тушган аризалар қандай қўриб чиқилиши ва онлайн хизматлар алгоритми бўйича маълумот олдилар.

– Муайян хизматлар тўлиқ онлайн шаклга ўтган, галдаги вазифа эса фуқароларда бундай хизматлардан фойдаланиш қўникмаларини ривожлантиришдан иборат, – дейди Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси бош муҳандиси Носир Латипов. – Бир ойда бажариладиган ишларни эндиликда беш иш кунини яқунламоқдамиз. Бунда иш унумдорлиги бир неча мартага ортиб, қоғоз сарфи анча камайди. Фуқароларнинг ҳам вақти тежалмоқда.

Кейинги манзил Картография илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси бўлди. Хариталар ишлаб чиқариш фабрикасида иштирокчилар “Ўзбекистон Миллий Атласи”нинг илк нусхаси ва лойиҳа доирасидаги иш жараёни билан танишдилар.

Қибрай туманида эса қатнашчилар Тошкент вилояти кадастр бошқармаси, “Геоинновация” ДУК, “Геоинфоком” ДУК, “Картография Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази”, “Уздаверлоиҳа” ДИЛИ каби ташкилотларнинг тақдимотлари билан танишдилар.

Медиа-тур давомида ОАВ вакиллари соҳага оид муаммолар, қизиқarli фактлар ва маълум бир вазиятларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Қолаверса, фуқаролардан келиб тушган шикоятларни қўриб чиқиш жараёни, архив ҳужжатларини рақамлаштириш ва геоботаник тадқиқотлар билан танишдилар.

Айниқса, дронларни бошқаришга бағишланган тақдимот иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

ЎЗА

Кулайлик

Аҳолига 519 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди

Мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизими йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани аҳолининг яшаш тарзини яхшилаш, ҳудудларда инвестиция иқлими ва бизнесни ривожлантириш имконини бермоқда.



Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармасига қарашли туман ва шаҳар марказлари орқали жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 519 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, шундан 486 минг 600 дан ортиги бевосита марказлар орқали амалга оширилди. 32 минг 500 нафарга яқин фуқаро давлат хизматларидан мустақил равишда ягона интерактив портал орқали фойдаланди.

Карантин вақтида фуқаролар давлат хизматларидан фойдаланиш учун 28 минг 498 та аризани масофадан тушиб юборган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7,3 баробарга ўсган.

Таҳлилларга кўра, давлат хизматлари бўйича муносабатларнинг 30 минг 107 тасини фуқароларнинг руҳий касалликлар бўйича, 25 минг 863 тасини наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш, 24 минг 329 тасини кадастр паспорти шакллантириш, 20 минг 545 тасини фарзанд туғилганда тўланадиган бир маротабалик нафақа пулини олиш, 19 минг 919 тасини жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси ҳисобига қўйиш, 15 минг 200 тасини ФХДЭ органлари томонидан архив ҳужжатларини бериш, 15 минг 112 тасини тадбиркорликни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади.

Аҳолига янада кенг қулайликлар яратиш, чекка ҳудудларда яшаётган фуқаролар узоғини яқин, оғирини енгил қилиш, қолаверса, хизматларнинг қулай ва шифоф усулларини жорий этиш мақсадида 2 минг 944 та сайёр хизмат кўрсатилди.

**Муса КАРИМОВ,
ДХА Тошкент вилояти
бошқармаси ходими**

Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси жамоаси Зангиота тумани Давлат хизматлари маркази директори Фаррух Хусанбоевга падари бузрукворни
Абдулла отанинг
вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Кон тоғ ва текислик тугашган, мураккаб геологик ҳудудда жойлашган. Бу ердаги маҳаллий жигарранг кўмир бошқа конларнинг хом ашёсига ўхшамайди. Коннинг яна бир афзаллиги шундаки, бу ерда кўмир билан бирга бошқа фойдали қазилмалар, жумладан, каолин (оқ гил) ҳам қазиб олинади. Бирламчи каолин кўмир қатламларининг устки қисмида жойлашган. Ҳозирда ушбу қондан йилга ўртача 1 миллион тонна каолин қазиб олинмоқда. Бу мамлакатнинг ушбу чўкинди минералга бўлган эҳтиёжини қоплайди.

Мазкур қон қалинлиги 60 метр ва чуқурлиги 130 дан 150 метргача бўлган кўмир қони бўлиб, кўмир қатламларига етиш учун хавфсизлик чораларига риоя этиш керак. Зеро, кўмирни очиқ усудда қазиб олиш учун катта миқдордаги тоғ жинсларини олиб ташлаш, яъни устки қатламни очиш, турли кўчкларга йўл қўймаслик талаб этилади.

«Ангрен» ҳавзасидан қазиб олинган барча кўмир фақат республикамиз эҳтиёжларига ишлатилади. Ҳозирги кунда корхона мамлакатнинг қаттиқ ёқилгига бўлган эҳтиёжини қоплаш йўлида иш олиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, республикамиз учун йилга 6 миллион тонна кўмир керак. Жорий йилда қон шу талабнинг 3 миллион 700 минг (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

тоннасини қондиради. Гап шундаки, эҳтиёжга яраша кўмир қазиб олиш учун очиқ қонда кўмир устки қатламни очишни жаддалаштириш тақозо этилади. Бироқ, бу кўп вақт ва куч талаб қилади. Шунга қарамай, «Ўзбеккўмир» АЖ раҳбарияти имкониётларни ишга солиб, келгуси йилда

бир ой ичида Ангрендаги «Тоғ-кон ускулларини сошлаш заводи»да янгилади.

Шунингдек, «Ўзбеккўмир» АЖ режаларига «Апартак» очиқ қонини ривожлантириш ҳам киритилган. Бу йил «Апартак»да ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 400 минг тоннани

КЎМИР НАРХИ НЕГА ОСМОНДА?

4 миллион 500 минг тонна кўмир қазиб олишни режалаштирётган барча кўмир фақат республикамиз эҳтиёжларига ишлатилади. Ҳозирги кунда корхона мамлакатнинг қаттиқ ёқилгига бўлган эҳтиёжини қоплаш йўлида иш олиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, республикамиз учун йилга 6 миллион тонна кўмир керак. Жорий йилда қон шу талабнинг 3 миллион 700 минг (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

моқда. Табиийки, бу кўрсаткич йилдан-йилга ўсиб боради. Ҳисоб-китобларга кўра, 6 миллион тонналик кўрсаткичга эришиш учун уч йил керак бўлади.

Кўмирнинг сифатини ошириш, унинг таркибидаги қул миқдорини пайсатириш мақсадида қонда бешта янги агрегат ўрнатилди ва фойдаланишга топширилди. Ушбу агрегатлар

ташкил этади, аммо зарур қон очиш ишлари жаддалаштирилиб, келгуси йилда ишлаб чиқариш ҳажми 1 миллион тоннага кўпайтирилади.

Хуллас, қончилар халқ хўжалиги тармоқларининг кўмирга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида мудом ҳаракатдалар. Кўмир нархининг мавсумда «осмонга сапчиши»га уларнинг асло алоқаси йўқ. Етказиб берувчи, таъминотчи ва савдо қилувчи воситачилар виждони билан боғлиқ гап бу...

**Неъмат ДУШАЕВ,
«Ўзбеккўмир» АЖ
Ахборот хизмати
раҳбари**

Телеграмм асосчиси Павел Дуровнинг мана бу гаплари ижтимоий тармоқларда ахшигина акс-садо берди.

Коррупционерлар ўқимасин!

қарз беришдан чарчайди ва сиз ҳаммасини ютқазасиз. Қўмор столи атрофига бошқарлар келади.

Капиталистик жаннат деб номланган дунё сизга қанчалик кўп нарсанг бўлса, шунчалик бахтли бўласан деган ғояни сотади.

Қадимдан шундай гап бор: «Қул ҳеч қачон озод бўлишни хоҳламайди, у ўз

“Соққани қилинг, соққани...”

“Мен ҳаётимда қасрлар, спорт автомобили ва шахсий самолётлар жамланмасига мутлақо қизиқмаганман, – деб ёзади у. – Менда на автомобиль, на шахсий самолёт ва на уй бор. Менинг дунём – бу пиёда, метрода юриш, 18-20 квадрат метрдан иборат ижара уйдан иборат. Менинг ўрнимда бўлишни хоҳлайдиганлар бутунлай алкоғолдан, гушт ва қиммат кийимлардан воз кечишига тўғри келади.

Ҳали камбағал талаба бўлиб, олийгоҳ ётоқхонасида турганимдан бери тақроқлайман, пул бу жуда катта баҳо берилган материал, дунё элементи ҳолос. Ҳаммаси ички ҳолатга боғлиқ ва у ҳар нарсадан устун. Миллиардлаб пуллари бор коррупционерларга қаранг, уларда ички хотиржамлик йўқ, толган пулларини йўқотиб қўймаслик учун барча нарсадан, ҳатто, ҳаётдан воз кечади.

Пулни асосий элемент деб ҳисоблашни бошлаган заҳоти сиз ички хотиржамлик ва ҳаётни қиморга тижасиз ва қиморда ютқазиб қўймаслик учун яна ва яна ҳаёт деган ҳазинадан қарз олаверасиз. Бир кун ҳаёт сизга

шахсий қуллари бўлишни хоҳлайди”. Инсон “қул ва хўжайин” парадигмасида қолар экан, ҳеч қачон бахтли бўла олмайдди. Бу системада “ҳар қандай одам қимнингидир қули, ҳар қандай қул эса қимнингидир хўжайини” ҳисобланади.

Пулни қул бўлар экансиз, ҳеч қачон ўз ҳаётингизнинг хўжайини бўла олмайсиз. Қўмор столида эса навбат қутиб турганлар кун сайин ортиб бормоқда.

Дарқоқе, ҳозирда Павел Дуровнинг бойлиги 3,4 млрд доллар. Унинг бирорта ҳам ўз уйи йўқ. Автомобили ҳам йўқ. Самолёти ҳам...

Асосий транспорт воситаси метро. Асосий машрулот китоб ўқиш. Гушт умуман емайди. Асосан арзон ва қулай кийим дўконларидан кийинади.

Бу гапларни яхшилаб ўқинг, мағзини чақинг. Ё ўзингизга ҳисоб беринг, ё “соққани қилинг, соққани...”



Икки ойдан сўнг...

Дунёда коронавирус инфекциясини қайта юқтирган бемор билан боғлиқ илк ўлим ҳолати қайд этилди. Бундай воқеа Нидерландияда рўй берди, дея хабар қилди мазкур мамлакатнинг “BNO News” ахборот агентлиги.

Айтилишича, саратон хасталигига чалинган 89 ёшли аёл ҳаётдан кўз юмган. Июль ойида унда COVID-19 аниқланган ва ўша вақтда у даволаниб, инфекциядан халос бўлган. Бироқ, икки ойдан кейин аёлга тақроран коронавирус ташхиси қўйилди. COVID-19 қайд этилганидан кейинги саккизинчи кунда беморнинг аҳоли оғирлашди. Икки ҳафтадан сўнг эса у вафот этди.

Бугунги кунгача жаҳон бўйича коронавируснинг қайталанishi билан боғлиқ 23 та ҳолат аниқланган.

Муваффақиятсиз синов Ҳиндистонда энг замонавий, ядровий каллақларни ташувчи “Nirbhay” қанотли ракетасининг навбатдаги синов муваффақиятсизлиги учради.



“The Hindustan Times” хабарига айтилишича, синов Бенгал бўғози соҳилидаги Орисса штатида ўтказилган.

Афсуски, тез орада мамлакат қуролли кучларида татбиқ этилиши мўлжалланган қанотли ракета ҳавога қўтарилганидан сўнг

қўп ўтмасдан двигателдаги носозлик сабаб синов тўхтатилган. Мутахассислар муаммони бартараф этиш ҳаракатига тушишган.

Шаҳарга кирувчилар чекланади

Пекин ҳукумати бир кунда шаҳарга кирувчилар сонини 500 кишидан ошмайдиган қилиб белгилади, дейилади “INTERFAX.RU” нинг Хитойдаги маҳаллий ахборот манбалари маълумотлари билан асосланувчи хабарига.



Халқаро парвозларга қисман рухсат берилиши туфайли Пекинга 46 йўналишда 6 минг 870 нафар йўловчи келган, уларнинг икки нафарига коронавирус аниқланган.

Шунингдек, Хитойдаги давомли Байрам таътиллари вақтида Синдао шаҳрида ҳам уч ҳолатда симптомсиз вирусга чалиниш ҳолати қайд этилган.

Ақула ҳужум қилди Австралиянинг жануби-ғарбий соҳилида серфер ақула ҳужум қилганидан сўнг йўқолиб қолди, деб хабар беради Sky News.

Полициянинг маълум қилишича, спортчи дом-дараксиз ғойиб бўлган. Унинг сузда сузадиган тахтаси Эсперанс шаҳрига яқин Уайли қўрғазидан топилиган.

Гувоҳларнинг айтишича, тахта топилишидан бир ярим соат аввал соҳилга яқин жойда ақула кўришган.

Маҳаллий ОАВ айтишича, пляж ёпиб қўйилгани ҳақида хабар тарқатди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

21 октябрь – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

Бадр ўгли кетди... Бу сўзларда бутун бир тарих намоен бўлди. Тўрт юз йил наридан Бухорони тарк этиб, олис ва совуқ Сибирга кетган ўзбекларнинг нола-си келди, яна икки юз йил ўтиб улардан мингга яқин оиланинг Туркияга кўчгани, сибириликлари ҳам, туркияликлари ҳам то ҳануз ўзларини бухорийлар (русча бухарцы) деб аташларини ўйлаб кетдим. Тақдирни қарангки, икки қарра беватан қолган ғарибларга Туркияда Бағри тилик деб аталган тоғ этагидан жой берилибди. Хаёл мени яна минг йил нарида Идил ва Ёйиқ соҳилларида яшаган, ҳозирда Волга ва Урал аталган дарёлардан сув ичиб, бепоён кенгликларда от сурган ўзбеклар юртига олиб учди. Халқимиз таттар, бўлғор, можар, ўрус эллари билан елкадош кун кечирган яйловлар кўз олдимга келди.

Бадр ўгли кетди... Хаёлан мен ўн минг йиллар олисда Сибирдан Аляскага кўчган туркий қабилаларнинг қўшиқларини эшитдим. Америкалик ҳиндуларнинг бахшилар каби бўғиздан чиқариб айтган қўшиқлари қулғим остида янгради. Бу минг йиллар тубидан келган дард садо-си эди.

Можар халқи ўз илдизларини қадимги туркий қавмлар билан туташ қўргани учун Можаристонда туркология фани асрлар давомида ривож топган. Бу анъана ҳозир ҳам давом этади. Бу ўлкадан икки юз йилча аввал Марказий Осиёга келиб, Бухоро ва Мовароуннаҳр тарихини ёзган Герман Вамберидан тортиб, замондош дўстларим Иштван Конгор ва Андраш Бодроглигеттигача дунёга танилган неча-неча туркшунос олимлар етишдилар. Улар юртимизга сафар қилганларида Самарқанду Бухорони томоша қилишни кўзлаб эмас, можар халқининг теран томирларини излаб келганлар.

Бадр ўгли кетди... Можарнинг ҳам, ўзбекининг ҳам Ой ўғли эканига ишончим бор. Бадр ўғли Сибирга кетди, Аляскага кетди. Идил ва Ёйиқ соҳилларидан Хазар ва Орол бўйларига кетди. Бу юртда минг йиллар яшаган ерлик аждодларимиз билан дунёнинг энг қўхна давлати-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ларидан бири бўлган Хоразм давлатини тузди.

Яна минг йиллар ўтиб, Босфор бўйларига кетди ва ҳозирги Туркияга асос солди. Ой ўғли кетди. У оламнинг тўрт ёғига кетди.

Жавоҳирлаъл Неру Мирзо Бобур тузган давлат тўғрисида ёзаркан, Марказий осийликлар дастлаб Ҳиндистонга тўрт минг йил муқаддам кўчиб кела бош-

чақди. Яна бизга маълумки, ривоятлар турк наслини бўри зотига боғлайди, она бўри эмизиб катта қилган, дейилади. Мауғлига ҳам бўри оналик қилган.

Бошқирд элининг зариф шоири Мустай Карим туркий халқларнинг бўри зотига боғланишига сабаб бу қавмнинг минг йиллар давомида ҳар ердан қувилгани, дерди. Ўз халқининг номини Бош қурт, яъни Бош бўри дея ишонч билан айтар-

Икки юз йил аввал Ҳиндистонда яшаб ижод қилган ҳамюртимиз Мирзо Асадуллоҳон Ғолиб ўз аждодларини эслаб, мен асли самарқандликман, наслим Ойбеклар зотидан, дея ғурур билан ёзган.

Десам, Ғолиб, ерим — пок хоки Турон, Асил зотим билан бағрим фараҳманд. Ўзим Туркзода-ю наслимда туркзо, Буюклар қавми бирла асли пайванд. Уруғ бўлмиш менга Ойбеклар аслан, Камолан оёга нисбат, балки ўнчанд. Отам касбин десам деҳқончиликдир, Бобом бўлмиш заминдори Самарқанд.

Бадр ўғли, Маҳ ўғли, Ойбек нақадар ўхшаш исмлар! Арабий, форсий, туркий маънодош сўзлар. Юртимизда қадимдан бу уч тилнинг ёндош яшаганига яна бир тимсол.

Америкалик дўстимиз профессор Бодроглигетти насаби хаёлимни шунча описларга элтди, узоқ замону маъволарда кездирди. Сўз шундай муъжиза эканки, унинг замирида қатлам-қатлам бўлиб тарих экан.

Молдавияда туркий тилда сўзловчи гагауз халқи яшайди. Илм аҳли бу номни қора ўғизга боғлайдилар. Уша қариндошларни мен олимона эмас, шойрона сўз билан қоракўз дегим келади. Чунки, қоракўз деб ўзбек ўзини, ўз биродарини, яқин жигарини айтади.

Андраш Бодроглигетти ҳам уша қоракўзлардан бўлса, дунёга сочилиб кетган уруғларимиздан бўлса не ажаб! Олимнинг сўзи ҳақ. Бизлар ҳаммамиз Ой фарзандларимиз. Ойдан тушган каби соддамиз. Дилимиз ойдан, ниятимиз ойдан.

Бу тимсоллар ярим тунда тўлин ой ёруғида хаёлимга келди. Бамисоли неъмат тўла лагандек улкан қумуш гардиш қўқдан нуруний чехра билан сокин, меҳрли қараб турарди.

Ўзбек бежиз онани оий деб, Ойни ой-момо деб атамаган. Эй, Ой, халқим йўлларини шуъланг билан мунаввар қил, истиқболни ойдан қил, муможон!

Ўзбекистон халқ шоири Эркин ВОҲИДОВНИНГ «Сўз латофати» китобидан

Ой фарзанди



лаганлар, дейди. Улар орасида туркий қавмлар ҳам бўлгани, бу қавмларнинг қадимий ривоятлари, достонлари ҳам Ҳиндистонга боргани шубҳасиз.

Ой арабча бадр, форсча маҳ дейилади. Туркий тилларда арабча ва форсча сўзлар қўхна замонлардан бор. Ой ёнида бадр ҳам, маҳ ҳам ишлатилган. Ҳиндлар Дехлини Дели деганлари каби Маҳ ўғлини Мауғли деган бўлсалар ажаб эмас. Инглиз адиби Редьярд Киплинг Ҳиндистон мавзусида ёзган машҳур асар қахрамонининг исми Мауғли.

Демакки, Киплингга шухрат келтирган Мауғли эртагининг мавзуси қадимги туркий халқлар афсонасидан олинган бўлиб

ди. Турклар бир-бирини кўрганда ё хайрлашганда ўнг қўлининг учта бармоғи билан бўри бошини тасвирлаб, қардошлик изҳорини қиладилар. Қувғинди бўри эса тунлар ойга қараб увлайди. Онасини соғинган боладек нола чекади...

Қадим-қадим замонларда аждодларимиз кўёшга, ойга, юлдуз ва сайёраларга топинганлар. Дашту саҳроларга олаш олис, машаққатли йўлларда кундузи қуёш, кечаси ой ва юлдузлар уларга машаққат, қиланамо бўлган. Уғлонлари исмини Кунтуғмиш деб, Ойбек деб, қизларини Ойбарчин, Тўлганой, Юлдузхон, Сухро, Сурайё, Ситора деб атаганлар.

«-ОВ», «-ОВ»... «-ВИЧ», «-ВИЧ»...

Хали шўро замони эди, москвалик бир ҳолим дўстим: «Нега сен Аъзамовсан?» деб қолди. Ҳайрон бўлдим: «Фамилиям шунақа». «Ия, сизларда ҳам «-ов» қўшимчаси борми? Русчасига экан-да...»

Биллур бисотдан



Арабча-ўзбекча исмига тиркалган бу қўшимчанинг бе-маъни, беўхшовлигини илк бор ўшанда англаганман. Дарҳақиқат, мен нега Аъзамовман? Бундан кўп йиллар муқаддам бир китобим нашрга тайёрланаётганда муҳаррир Хуршид Даврон унга «Эркин Аъзам» деб имзо қўйишни таклиф қилган, лекин мен илло-билло кунмаганман. Истиқлолга борганман-да: шойр эмасман, Ғафур Ғулум ёки Абдулла Қаҳҳор бўлмасам! (Бугун энди биров фамилиямга «-ов» қўшиб айтса, энсам қотади, ҳатто ҳақоратдек туюлади.)

Ҳа, кечаги замонда «ўртоқ Фалончиев» аталмоқ шараф эди, жамиятда маълум бир погонани эгаллаганингизни аниқларди. Яланг Эшмат Тошматдан кўра, Эшмат Тошматов, айниқса, Эшмат Тошматовичнинг эътибори, шубҳасиз, баланд эди. Бизнинг Бойсунда «Фалончи «юф» бутти!» «У кишим энди «юф»-да!» дегандек ҳасад-ҳавас аралаш гаплар ҳам юрарди.

Шоиримиз айтганидек, «ўзга эрур имло бу кун». Бугун энди номингизни истаган шаклда ёздиришингиз, ўзгартиришингиз ёки тахаллус танлашингиз мумкин. Ана, илк шёърига қофия қидириб юрган болалар ҳам ўзига «Парвоз», «Викор» дея тахаллус қўйиб оляпти. Замон эркин, ихтиёри!

Истиқлолимизга пешвоз чиққан дастлабки қонун давлат тили ҳақида эди. Унга ҳам анча йил бўлди. Лекин камина ҳамон «овман! Нега? (Албатта, гап мен ҳақимдагина бораётгани йўқ.) Уша тарихий ҳужжатда исм-фамилиямизни миллий-анъанавий шаклда ёзишга изн берилган эди-ку! Шу чоққача неча киши бунга амал қилди – исми шарифини расман ўзгартирди? Умуман, шунга шахсий ва оммавий рағбат борми ўзи?

Эркин АЪЗАМ

Раис бува нима дейди?



Тирик сатрлар Саъдулла ҲАКИМ



Кетаётирман

О, бу қандай шараф, кетаётирман, Сендан сенга қараб кетаётирман.

Кўнглимни тоблади кундуз ва кеча, Ой каби ярқираб кетаётирман.

Шарқираб сой каби оққаным ростдир, Булоқдай шилдираб кетаётирман.

Билмайман, гуноҳим қанча, бир тараф, Савобим бир тараф, кетаётирман...

Сўз деҳқони эдим, бир сўз айтгаили, Сўзбондан сўз сўраб, кетаётирман.

Келмоқ суруридан сўзламам энди, О, бу қандай шараф, кетаётирман.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий БААда мезбонларга қарши ўртоқлик учрашуви ўтказиб, Игор Сергеевнинг дубли эвазига 2:1 ҳисобида зафар кучди.

Мазкур ғалаба ўзбек футбол тарихидан жой олганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Тарихий ғалаба

Боиси, ҳамюртларимиз шу кунга қадар БАА тарма жамоасини бирор марта ўз уйида мағлуб этолмаганиди (меҳмонда 3 ўйин: 2 дуранг ва 1 мағлубият).



жамоамиз аъзолари учун пандемиядан кейинги илк мусобақа бўлади. Суҳробжон САДИРОВ /Тошкент ҳақиқати/

Илк халқаро мусобақа

13-16 октябрь кунлари Беларусь пойтахти Минск шаҳрида ёшлар ўртасида бокс бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

мамлакатлар қаторида Ўзбекистон ёшлар тарма жамоаси аъзолари ҳам иштирок этишади. 2002-2003 йилларда таваллуд топган боксчилар ўртасидаги ушбу мусобақа тарма

Ҳозир қаёққа қараманг, ёш-ёш болакайлarning асабийлашиб ёки нимадандир норози кайфиятда юрганга гувоҳ бўласиз. Ёш болада қаердан бунча асабийлик, деб ҳайрон ҳам қоласан киши. Яқиндагина интернетда бир маълумотга қўзим тушиб қолди. Болаларда агрессивлик ва тажовузкорликнинг сабаби ота-оналарнинг уларга нисбатан кўп ёлгон ишлатиши экан.

Келинг, аввал агрессивликнинг ўзи нима эканини билиб олсак. Агрессивлик атамаси лотин тилидан таржима қилинганда – тажовузкорлик, ўз мақсадларини йўлида зуравон усулларни қўллаш маъноларини аниқлатади. Машҳур олим Берквотснинг сўзларига кўра, бу бошқа одамга ёки нарсага ҳақорат қилиш ёки зарар етказишга қаратилган хатти-ҳаракатдир.

Ҳўш, аслида болаларни бу ҳолатга тушиб қолишига асосли сабаб борми? Ҳа, қарангки, бор экан. Бизнинг назаримизда жуда кичик кўринган нарсалар ҳам болаларимиз руҳияти ва онгига жуда катта таъсир кўрсатаркан. Психологлар тадқиқотла-

Алдагани...



ри натижасида шу нарса аниқланибдики, ота-онаси томонидан кўп ёлгон гаплар эшитадиган ва ўзига нисбатан эътиборсизлик ҳис этидиган болада агрессияга мойиллик жуда катта бўлар экан. Чунки, уларнинг нигоҳида ҳар бир гапирётган одам ёлгон ишлатаётгандек туюлиб, бундай инсонларга нисбатан нафрат уйғонади. Бора-бора эса бу тажовузкорликка айланар, алданмиш аламини тажовуз ва бировга зарар етказиш орқали олишга ҳаракат қилиш бошланар, эҳтимол...

Бундай болаларга ҳайвонларга озор бериш, эшикларни уриш, тинимсиз асабийлашиб бақариш доимий «ҳамроҳ»дир.

Бу жараён бола онгига ўрнашиб улгурса, уни бартараф этиш атрофдагилардан кучли ирода ва катта сабр талаб этади. Қаранг, оддийгина ёлгонимиз нималарга олиб келади. Шунинг учун имкон даражасида болаларингизга нисбатан ростгўй бўлинг. Чунки, улар дунё ва одамларни сизнинг рост ёлгон сўзларингиз орқали идрок этади. Оддий ёлгон туфайли фарзандларимизни бир умр ишонсиз ва агрессив қилиб қўйишимиз қай даражада тўғри?!

Гулоро ЮСУПОВА, ЎзЖОКУ талабаси

TOШKENT ҲАҚИҚАТИ ТАШKЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШKENT ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ. Бош муҳаррир: Ғайрат ШЕРАЛИЕВ. Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-1043. 4 222 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар: Қабулхона: (71) 233-64-95; Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10; Масьул котиб: (71) 233-90-82; Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08; Ўзлонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланган. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Электрон почта: toshkenthqiqat@gmail.uz

Манзилими: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90. Тошкент шаҳридаги офисими: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Навбатчи муҳаррир: Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА. Назоратчи мусаҳҳиҳ: Аллома АЗИЗОВА. Навбатчи: Суҳробжон САДИРОВ. ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.20 1 2 3 4 5 6